

**ВАГОН ЭШИГИНИНГ ТҮСАТДАН ЁПИЛИЛИШИ НАТИЖАСИДА  
БОШНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ КАМДАН-КАМ ҲОЛАТЛАРИ**

*Исмаилов О., Исмаилов Р.А. Кўзиев У.С.*

*ТТА Урганч филиали, патоморфология кафедраси, Урганч ш.*

**Аннотация.** Темир йўл транспортлари томонидан етказилган жароҳатлари инсон хаётига хавф туғдириши унинг шикастловчи қисмларининг хусусиятларига боғлиқдир. Бу турдаги жароҳатлар юк ташувчи поезд хайдовчисининг юк тушурувчи ишчиларни огохлантирмасдан уни харакатга келтириши, шу ишчининг ўлимига олиб келувчи тан жароҳати сабаб бўлган.

**Калит сўзлар:** темир йўл жароҳати, юк поездининг эшиклари табақалари орасидаги сиқилишдан бош жароҳати.

Моргга Урганч шахар ИРО корхонасининг темир йўл бекатида турган вагондан ўғит тушириш пайтида вагондан бошини чикариб турган фуқаро Т.Т ни вагон эшиги тўсатдан бирданига ёпилиб унинг табақаси бошини қисиб қолиши натижасида воеа жойида хаёт учун номутаносиб бўлган бош мия травмаси натижасида вафот қилган.

Мурдани ташки текширувда аниқланишича: Мурда доғлари қўқимтири-сиёҳ рангда, танасининг орка ва ён томонларида жойлашган, яхши ривожланган. Лабларини ва милкларини шиллиқ қавати қўқимтири рангда. Юзини чап томонида қўзини ташки бурчагидан бошланган шилинма қўндаланг жойлашган, қўнғир рангда, ҳажми 5 x 2 см. Пастки лабини қизил ҳошиясини ўрта соҳасидан бошланган шилинма бироз қийшик-қўндаланг жойлашган, қўнғир рангда, чап юзидан ўтиб чап қулоқ супрасининг олдинги юзасини юқори бурмасида тугалланади, ҳажми 16 x 2 см йўлакчасимон шаклда. Шу шилинмадан 1,5 см пастда пастки жагни танасини ўрта кисмидан бошланган лат яра қулоқ супрасини олдинги юзасини тўлиқ жароҳатлайди, қийшик қўндаланг жойлашаган, ҳажми 12 x 2 см, қирралари қисман текис, иккала охири салгина айланади шаклда, ярани туби пастки жағ ва калла суюги асосидан иборат. Бошини ўнг пешона-тепа ва энса соҳасида қийшик қўндаланг жойлашган лат яра бўлиб ҳажми 16 x 9 см, қирралари қисман текис, иккала охири салгина айланасимон, яра туби бош суюкини синиқларидан иборат. Ўнг қулоқ супрасининг олдинги юзасидан бошланган шилинма юқори лабига етмасдан тугалланади, ҳажми 6 x 3 см, қўнғир рангда, қийшик-қўндаланг жойлашган, йўлакчасимон шаклда. Бўйинни унг ёнбош юзасида юқори қисмидан шилинма бўлиб, ҳажми 4 x 1,5 см, қўндаланг жойлашган, қўнғир рангда, йўлакчасимон шаклда. Мурдани бош юмшоқ тўқимасини кесиб текширганимизда ўнг чакка-тепа ва энса суюги, бош

суюги асосини ўнг ўрта ва орқа чуқурчаси майдаланиб синган, хамда бош мия ўнг чакка бўлаги ва асоси эзилиб мажақланган, мия пардалари йиртилган. Мажақланган мия моддаси шу асосий синиқдан ташқарига оқиб тушган Бу асосий синиқдан қўплаб синиқ чизиқлари чап орқа ва ўрта чуқурчага ўтиб бир бири билан туташиб суюк парчаларини ҳосил қилган. Бош мия юмшок пардаси остига иккала мия яримшарларига диффуз қон қуйилган.

Суд кимё такшируvida қони ва сийдигида этил спирти топмилмади.

Худди шундай ҳолатдан иккитаси яъни 1965 ва 1978 йилларда Москвада учраган бўлиб, ушбу мақола суд тиббий экспертиза журналида 1982 йил 1-сонида чоп қилинган. Бу мақола муаллифи Москва суд тиббий экспертиза Бюроси бошлиғи т.ф.н. Л. С. Велишева томонидан «Смерть от сдавление шеи створками пневмотически закрывающейся дверей электропоезда» мавзусидадир. Бу мавзудаги мақолада жабрланувчиларнинг иккаласи ҳам маст ҳолатда бўлган, бизлардаги ҳолатда юк поездининг эски вагонида бир томонлама рельсда ҳаракатланувчи эшикнинг очилиши ва ўғит тушириш пайтида тепловоз ҳайдовчисининг ишчиларни огоҳлантирмасдан поездни тебратиб юбориши натижасида эшикнинг ёпилишидан “бошнинг сиқилиши” келиб чиққан, бу ҳолатда жабрланувчининг қонида этил спирти аниқланмади.

26 ёшли ТТ. нинг мурдасини суд тиббий экспертиза текширувидан ўтказиб ва суд кимё бўлими далолатномаси билан танишиб чиқиб куйидаги хulosага келдик. Унинг ўлимига ҳаёт учун номутоносиб бўлган калла мия жароҳати яъни бош суюги гумбази ва асосини қўплаб синиши, бош мияни эзилиб мажақланиши, ташқарига оқиб тушиши сабаб бўлган. Бу юқорида кўрсатилган жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсирида, яъни вагон эшигининг сурилиб ёпилиши натижасида бир томони ҳаракатсиз қисми оралиғида бошнинг сиқилиши сабаб бўлган.

### Литературы.

1. В.Л.Попов. Черепно-мозговая травма судебно - медицинские аспекты. Ленинград медицина 1988г. С 240.
2. Сингур Н.А. Ушиб мозга - М. Медицина 1970 г. 224с.
3. Судебно-медицинская оценка закрытой черепно-мозговой травмы. «Сборник научных трудов» Под. ред. А. П. Громов 1970 г. стр 93.
4. Топография силовых напряжений в костях при травме Атлас (Под. ред. В. Н. Крюков – Барнаул 1977 г. - 173с.
5. Алиев М.Н. Морфология непосредственных причин смерти при черепно-мозговых травмах, причиняемых тупыми предметами В кн. Первый съезд судебных медиков Латвии 1985 г. 172-174с.

6. Rakhimov, Bakhtiyor; Ismoilov, Olimboy; ,Management systems for modeling medical database,AIP Conference Proceedings,2432,1,060031,2022,AIP Publishing LLC
7. Rakhimov, Bakhtiyor S; Khalikova, Gulnora T; Allaberganov, Odilbek R; Saidov, Atabek B; Overview of graphic processor architectures in data base problems,AIP Conference Proceedings,2467,1,020041,2022,AIP Publishing LLC
8. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyor; Kabulovna, Sobirova Sabokhat; Bakhtiyorovna, Rakhimova Feroza; Akbarovna, Allayarova Asal; Bakhtiyorovich, Saidov Atabek; ANALYSIS OF THE GRAPHICS PROCESSORS FOR MEDICAL PROBLEMS,PEDAGOGS jurnali,11,4,167-177,2022,
9. Rakhimov, Bakhtiyor Saidovich; Saidov, Atabek Bakhtiyorovich; Shamuratova, Inabat Ismailovna; Ibodullaeva, Zarnigor Ollayor Qizi; ,Architecture Processors in Data Base Medical Problems, International Journal on Orange Technologies, 4, 10, 87-90, 2022,Research Parks Publishing.
10. Saidovich, Rakhimov Bakhtiyor; Musaevich, Yakubov Durumboy; Bakhtiyorovich, Saidov Atabek; Qizi, Saidova Zarina Bakhtiyor; ,ANALYSIS OF THE DEVICE FEATURES OF GENERAL-PURPOSE PROGRAMMABLE GRAPHICS PROCESSORS,CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MATHEMATICAL THEORY AND COMPUTER SCIENCES,4,1,100-103,2023,